

# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

№ 48 (1279)

2020 ЙИЛ 3 ДЕКАБРЬ

## “ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК”ДАН ЯНГИ ВА ҚУЛАЙ ХИЗМАТ



Ўзбекистон миллий матбуот марказида АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан “Банк хизматларида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар: тезкорлик, қулайлик, ишонччилик” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда банк Бошқаруви раҳбарияти ва тегишли таркибий тузилмалар масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Матбуот анжуманида Банк Бошқаруви масъул ходимлари томонидан мижозлар учун тақдим этилаётган қулай ва янги хизмат турлари ҳақида маълумот берилди. Жумладан, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Банк карталари бизнесини ривож лантириш департаменти бошлиғи Жавоҳир Алимов банк томонидан амалиётга жорий этилаётган “QUANT” мобил иловасини тақдим этди.



(Давоми 3-саҳифада)

Инсоният тараққий этиб, дунёни глобаллаштириб, рақамли оламни ҳам яратди. Аммо, бундай қулай шароитда турли хавф-хатар ва таҳдидлар ҳам кўпайишини ҳалигача англаб етганимиз йўқ – экологик мувозанатнинг бузилиши, иқлим ўзгариши, инсоннинг палапартиш ҳаракати натижасида техноген фалокатлар бизни пойлаб турибди.



## КОРОНАВИРУСНИНГ ИҚТИСОДИЙ САБОҚЛАРИ

Уларнинг олдини олиш учун одамлару юртларнинг ўзаро келишилган оқилона ҳаракати талаб этилади. Ҳозир бошдан кечираётган Covid-19 пандемияси бунинг ёрқин исботидир. Техника-технология ютуқлари

жорий этилиши натижасида ривожланган мамлакатларда шаклланган ҳаёт қулайликлари эйфорияси таъсирида шаклланган нотўғри ғоялардан ҳам воз кечиш лозим.

(Давоми 4-саҳифада)

## “САМОЛЁТНИ ТЎХТАТИНГ, ТУШИБ ҚОЛАМАН!”

Бугун биз оммавий равишда ўзимиз ҳақида маънан, руҳан қандай мавжудотлигимиз тўғрисида ўйламай кўйдик. Фаразан бировга бу тўғрида гапирсак, ҳозир шунини ўйлайдиган замонми, деган жавобни оламиз.

Бугунги тийиксиз истеъмолчилик даврида кўп мамлакатларда, кўп жабҳаларда иймон-эътиқод, одамгарчилик, ибо-ҳаё каби азалий тушунчалар четга суриб қўйилмоқда. Оқибатда, шўрлик бани Одам, баъзан ҳайвонлардан ҳам тубанроқ аҳволга тушиб қолмоқда. “Дунёда ҳамма нарсани пулга сотиб олса бўлади”, деган хомхаёл авж олмоқда.

Бир танишим айтиб берган эди. “Қишлоқдаги кўшнимнинг аёли уйимизга чиқиб, менинг турмуш ўртоғимга тўй қилиши кераклиги, ме-

белга ҳам пули йўқлигини, ўғлини уйлантириш учун қўли калталигини ҳасрат қилибди. Турмуш ўртоғим бу ҳақда менга айтиб берган эди. Раҳим келиб тирикчиликдан орттирган 3 миллион сўм пулимни “Мана кўшни, тўй бошлаб қўйибсиз, бунини бемалол ишлатинг, кейин топганингизда берарсиз”, деб ўзим чиқариб бердим. Тўй куни қарасам, бу кўшним шунанганги дабдабали тўй қилдики, кўша-кўша мебеллар ва келин-куёвлар нари борса 1 соат айлантриш учун 12 та қимматбаҳо чет эл машинасини ижарага олибди. Оғзим очилиб қолди. Берган пулимни минтан қилмоқчи эмасман, лекин бу кўшним нега бунчалик чираниб дабдабали тўй қилди? Ваҳоланки, мен ўша берган пулимга ўзим зор аҳволда эдим...”

(Давоми 4-саҳифада)

СОЛИҚ ОРГАНИ ВА БАНК ЎРТАСИДА МАЪЛУМОТ АЛМАШИШ СОДАЛАШТИРИЛДИ

ЭНДИ ГАЗЕТА ЎҚИМАЙМИЗМИ?

12 > ОБУНА – 2021



## Ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланмоқда

Жорий йилнинг 1 декабрь куни "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки ва Туркиянинг биринчи лицензияланган UPT халқаро пул ўтказмалари тизими ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланди.



Эндиликда Туркия ва Ўзбекистон фуқаролари ушбу банк хизматидан фойдаланган ҳолда халқаро пул ўтказмаларини (турк лираси, АҚШ доллари, евро ва сўмда) амалга оширишлари учун имконият яратлади.

Хужжатни "Трастбанк" ХАБ Бошқаруви Раисининг ўринбосари Зиевуддин Курганов ва Туркиянинг UPT халқаро пул ўтказмалари тизими Бош директори — Бошқарув аъзоси Хакан Озат имзолади.

Қайд этиш лозимки, "Трастбанк" ХАБ мижозларга сифатли банк хизматларини кўрсатиш ва чакана бизнесни ривожлантириш мақсадида халқаро молия ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаб бормоқда.

Ушбу хизматнинг жорий этилиши банкнинг мамлакатда молиявий инфраструктуранинг ривожлантириш, банкларнинг мижоз учун ишлашини ташкиллаштириш доирасида амалга оширган ишларининг ёрқин тасдиғидир.

2020 йил 24 ноябрь куни онлайн тарзида "Uzbekistan Investor Day" халқаро инвестицион анжумани бўлиб ўтди. Тадбир Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан Wood&Co Халқаро инвестиция банки билан ҳамкорликда ўтказилди.

Конференцияда глобал ривожланаётган халқаро фонд вакиллари, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари, шунингдек, АҚШ ком-



## "Ўзсаноатқурилишбанк" "Uzbekistan Investor Day" халқаро

### инвестицион анжуманда иштирок этди

паниялари иштирок этди. Ўзбекистон номидан давлат ва хусусий компаниялар ҳамда банклар, шу жумладан, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ ҳам иштирок этди, деб хабар қилмоқда банк Ахборот хизмати.

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Dunross & Co, Prince Street Capital Management (Weeden), ERLS Consult, Raffles Associates LP ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки вакиллари билан учрашувлар ўтказди. Унда

иштирокчилар банкнинг ҳисобот давридаги молиявий кўрсаткичлари, ХМК ва ЕТТБ экспертлари билан ҳамкорликда банкни трансформация қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, банк корпоратив бошқаруви тизимининг самарадорлиги ва жозибдорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар, коронавирус пандемияси салбий оқибатларининг иқтисодий таъсирини юмшатиш ва молиявий барқарорликни сақлаш

бўйича давлат ва банк даражасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар билан танишди.

Маълумот учун: Wood & Co – Марказий ва Шарқий Европадаги етакчи инвестицион компания. 1991 йилда ташкил этилган ва Прага шаҳрида ўз қароргоҳига эга компания Марказий ва Шарқий Европада акциялар савдоси борасида илғор муассаса бўлиб, минтақада энг муҳим инвестицион банк амалиётларини бажаради.

## "Deutsche Bank AG" кредит линияси қандай лойиҳаларга йўналтирилади?

Тўғридан-тўғри жалб қилинадиган кредит линиялари мамлакат иқтисодиёти учун ниҳоятда муҳим. Қолаверса, бу маблағлар жараёнинг бевосита иштирокчиси бўлган тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлайди, ликвидлигини оширади.



Халқ банки айни сабабдан Германиянинг жаҳонга машҳур "Deutsche Bank AG" банки билан ҳамкорлик ўрнатди ва жорий йил сентябрь ойида икки банк ўртасида 150 млн. АҚШ доллари миқдорда кредит олиш юзасидан истиқболли битим имзоланди.

Ҳозир битим доирасида 102,5 млн. АҚШ доллари миқдорда мақбул фоизларда кредит маблағлари жалб қилиняпти. Келгусида яна 47,5 млн. АҚШ долларлик қисми ҳам ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: Халқ банки бу ма-

блағларни нималарга сарфламоқчи?

Биринчи навбатда, ушбу кредит линияси банк мижозлари, тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилади. Бунинг учун учта йўналиш белгиланган.

Биринчи йўналиш чорвачилик фаолияти билан шуғullanувчи корхоналарнинг бўрдоқчиликка йўналтирилган инвестиция лойиҳалари, шунингдек айланма маблағларини тўлдириши кўзда тулади.

Иккинчи йўналиш экспортчи корхоналарнинг четдан

асбоб-ускуна, технология, ва бошқаларни, қолаверса, ички бозордан хомашё ва товарларни харид қилишга доир инвестиция лойиҳалари, шунингдек айланма маблағларини тўлдиришга мўлжалланган.

Учинчи йўналиш савдо ва ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғullanувчи корхоналарнинг четдан товар, хомашё ва бутловчи материалларни харид қилишга йўналтирилган инвестиция лойиҳалари, шунингдек айланма маблағларини тўлдиришга қаратилган.

Кредит маблағлари кредит мақсадига қараб ҳамда лойиҳанинг ўз-ўзини қоплаш мuddатларини инобатга олган ҳолда 12 ойгача, лекин 2021 йилнинг 7 ноябрга қадар бўлган вақт учун ажратилади.

Масалан, 1-йўналишга доир лойиҳаларга 9 ойгача, 2-йўналишга мансуб лойиҳаларга 6 ойгача, 3-йўналишга оидларига ҳам 6 ойгача мuddат берилиши белгиланган.

Кредит фоизлари базавий йиллик 360 кундан келиб чиққан ҳолда ҳар куни амалда фойдаланилган давр учун ҳисобланади.

Кредит АҚШ долларидо ажратилади ва ушбу валютада сўндирилади.

Швейцариянинг Symbiotics инвестиция компанияси ўзининг Люксембургда жойлашган MSME Bonds S.A. облигация чиқариш платформаси орқали "Ипак Йўли" Банки билан миллий валютада қарийб 12 миллион АҚШ доллари эквивалентига тенг бўлган миқдорда кредит линия ажратиш тўғрисида кредит шартномасини имзолади.

## Symbiotics "Ипак Йўли" банкига миллий валютада навбатдаги кредит линиясини тақдим этди



Symbiotics маблағларининг диққатга сазовор томони миллий валютада номинацияга эга бўлган махсус облигацияларни Люксембург фонд биржасида чиқариш орқали ресурсларни жалб қилиш ҳисобланади, бу эса хорижий инвесторлар ва фондларнинг Ўзбекистон бозорига бўлган қизиқишини оширади.

Мазкур шартнома "Ипак Йўли" банки томонидан халқаро молиявий механизмларни тадбиқ қилиш орқали кичик ва ўрта бизнес субъектларини миллий валютада молиялаштириш имкониятларини кенгайтириш мақсадида тузилган.

Symbiotics инвестициявий компанияси билан ўзаро ҳамкорлик 2019 йилда бошланган ва шу кунгача "Ипак Йўли" Банкга умумий қиймати 20 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда кредит линиялари тақдим қилган.



## “ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК” ДАН ЯНГИ ВА ҚУЛАЙ ХИЗМАТ

(Бошланиши 1-саҳифада)

– Ушбу илова орқали банк мижозлар учун дунёнинг исталган нуқтасидан туриб коммунал тўловлар, онлайн конверсия амалиётлари, P2P амалиётлари, кредит тўловлари, омонат хизмати ва бир қатор тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўладилар. Мобил илова ўзининг тезкорлиги, қулай интерфейс ва замонавийлиги билан рақобатчиларидан ажралиб туришига эътибор қаратилди, – дейди Ж.Алимов.

Мобил илованинг PRO ҳамда LITE версияси мавжудлиги ундан қулай фойдаланиш имконини беради. “QUANT” Бош саҳифа, тўловлар, ўтказмалар, хизматлар ва созмалар бўлимларидан таркиб топган. Бош саҳифада Он-лайн банк хизматлари билан танишиш, карталарни қўшиш, шунингдек, карталарнинг умумий ҳамда алоҳида баланслари ҳақидаги маълумотларни олиш имкониятлари яратилган. Мобил илованинг тўловлар бўлимида 500 дан ортиқ хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконияти мавжуд. Хусусан, мобил алоқа, коммунал хизматлар, телевидение, интернет провайдерлар, давлат хизматлари, телефон ва хатто хайрия мақсадлари қамраб олинган. Ўтказмалар бўлимида эса, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” ва бошқа тижорат банклари томонидан эмиссия қилинган пластик карталарга пул ўтказмалари P2P амалиётларини амалга ошириш мумкин.

Ҳеч кимга янгилик эмас, қатор банклар томонидан бу каби иловалар ишлаб чиқилиб, фаол тарғиб қилинмоқда. Шу сабаб, мавжуд рақобат шароитида ўз ўрнини топиши учун “QUANT” мобил иловасида бошқа рақобатчилар томонидан қўлланмаган хизмат ҳам йўлга қўйилган экан. Банк масъул ходими шу тўғрида ҳам маълумот берди:



– NFC технологияси асосида контакtsiz тўловлар ва пул ўтказмаларини амалга ошириш мумкин. Энди “QUANT” мобил иловаси билан савдо шохобчалари, хизмат кўрсатиш, умуман HUMO терминаллари мавжуд бўлган барча нуқталарда фақат телефон ёрдамида тўлов амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари, яна бир янгилик шуки, мобил илова орқали бириктирилган HUMO картадаги маблағни NFC технологияси орқали бошқа HUMO картасига ўтказиш мумкин.

Бу борада у операцияларни қандай амалга оширишни амалий шаклда ОАВ вакилларига кўрсатиб берди. Шу билан бирга, Илованинг банк хизматлари бўлими орқали карталарни бошқариш, ҳисоблар тўғрисида маълумот ва мониторинг, конверсия, омонат шунингдек, кредит амалиётлари бажарилар экан.

Бир сўз билан айтганда, “QUANT” мобил иловаси мижозларнинг масофадан туриб банк хизматларидан тезкор ва сифатли фойдаланиш истагига тўла мос келади. Иловани PlayMarket ва AppStore орқали юклар олиш мумкин. ОАВ вакиллари учун тақдимот якунига етгач, анжуман савол-жавоб тарзида давом эттирилди. Унда журналистларнинг янги мобил илова бўйича барча саволларига батафсил жавоб берилди.

Шукрур ЖАББОР

Халқ банки хизматларидан фойдаланишда муаммо юзага келяптими? Банк ходимларининг ишидан норозимисиз? Таниш-билишчилик ёки коррупцияга йўл қўйилаётганига гувоҳ бўлдингизми? Бу ҳақда “QUICK STATEMENT” мобил иловаси орқали тўғридан-тўғри банк раҳбариятига мурожаат йўлланг.

“QUICK STATEMENT” мобил иловаси орқали юборилган коррупцияга доир ҳар бир мурожаат ходимлар томонидан тез-

ҚИСҚА САТРЛАРДА

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИННОВАЦИОН ТИЗИМ




корлик билан ўрганилиб, муаммо зудлик билан бартараф этилади ҳамда бу ҳақда мурожаатчи хабардор қилинади.

## “АГРОБАНК”

### СПОРТ ТАДБИРЛАРИ ЎТКАЗМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижроси юзасидан “Агробанк” АТБ томонидан ходимлар иштирокида спорт тадбирлари ўтказиб келинмоқда.



Банк ходимларининг саломатлигини яхшилаш, ишчанлик ҳолатини ошириш ва дам олиш кунларни мазмунли ўтказиш мақсадида “Стол теннис” спорт тури бўйича ходимлар ўртасида мусобақа ўтказилди.

Тадбир юқори савияда ташкил этилиб, банк жамоаси соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда фаол иштирок этди.

## ҚАРШИЛИК ҲАМКАСБЛАР, ГОЛИБЛИК МУБОРАК БЎЛСИН!

“Трастбанк”нинг Қарши филиали ходимларидан таркиб топган мини футбол жамоаси Қашқадарё вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ташкил этилган “Қашқадарё вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кубоги-2020” мусобақаси ғолиби бўлди.



Ушбу мусобақада вилоятдаги 32 та корхона ва ташкилот раҳбар ва ишчи ходимлари иштирок этди.

**Мини-футбол бўйича Қарши филиали жамоаси гигант Деҳқонobod калийли ўғитлар заводи ва вилоят халқ таълими бошқармаси каби жамоаларни мурасасиз ўйинларда мағлуб этиб, 1-ўринни қўлга киритди ва “Мини футбол-2020” ўйинларида 1-даражали диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.**

Қайд этиш лозимки, давлатимиз раҳбарининг “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғри-

сида”ги фармони ижроси доирасида банк томонидан соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ҳозирги пайтда ходимлар соғлиги банкнинг муҳим кадриятларидан бирига айланган. Соғлом турмуш тарзини оммавийлаштириш мақсадида банкнинг ҳар бир филиалида спортнинг оммавий турлари бўйича жамоалар шакллантирилган. Филиаллар ўртасида мунтазам спорт мусобақалари ўтказиб бориш йўлга қўйилган.

“Трастбанк” жамоаси Қарши филиали мини-футбол командасини ғалаба билан чин дилдан муборакбод этади ва келгусида ҳам мижозларга сифатли банк хизмати кўрсатиш ҳамда спортнинг турли жабҳаларида улкан зафарлар тилаб қолади.

## Коронавируснинг иқтисодий сабоқлари



(Бошланиши 1-саҳифада)

Иқтисодий соҳада шундай нотўғри стереотип ғоялардан бири – ялли ички маҳсулотнинг (ЯИМ) ўсишига иқтисодий тараққиётнинг асосий умумий кўрсаткичи сифатида либерал иқтисодий қараш.

2017 йилги Рим клуби ҳисоботи муаллифларининг хулосаларига қўшилмаслик мушкул. Уларнинг фикрига кўра, ЯИМ кўрсаткичи фаровонлиқни эмас, балки сарф-харажатларни акс эттиради ва бозор субъектлари моддий-молиявий манфаатлари мезони бўлган фойданигина ифодалайди. ЯИМни ўлчайдиган ягона нарса – пулнинг иқтисодиётда ҳаракатланиш тезлиги. Муаллифлар парадоксал ҳолатларни қайд этдилар: нефть тўкилиши факулдодда вазиятларини бартараф этиш билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, касалликлар, фалокатлар ва бахтсиз ҳодисаларнинг барчаси фаровонлиқни пасайтиради ҳам, ЯИМни кўпайтиради.

Маълумотларга қараганда, энг кўп ЯИМ ишлаб чиқараётган мамлакатлар атроф-муҳитни ифлослантириш борасида ҳам "пешқадам"дирлар.

Қизиғи, бу йилнинг 9 ойида мамлакатимизда статистика маълумотларига қараганда ЯИМ 0,4 фоиз ўсибди. Пандемия шароитида дунё иқтисодиёти таназзулга юз тутган, шу жумладан, ўзимизда ҳам аксарият корхоналар ва одамлар тўлиқ ишламаган пайтда бу қандай ўсиш? Ниқоб, антисептик воситалар ишлаб чиқарилиши, коронавирус билан касалланганлар учун шифохоналар қурилиши, қолаверса Олот, Қорақўлда юз берган табиий нохушлик, Сардоба техноген фалокатини бартараф этиш харажатлари ҳисобига эмасми? Бизга шу керакми?

Иккинчи нотўғри стереотип ғоя – инфляцияни бирёқлама – фақат салбий иқтисодий ҳодиса сифатида баҳолаш. Тўғри, чўнтагимиздаги 10 сўм пулимиз эртага 9 сўмга,

индинга 8 сўмга айланиши қувонарли ҳол эмас, албатта. Аммо, умумийиқтисодий нуқтаи назардан қараганда, ислоҳ қилинаётган иқтисодиёт учун, агар муомалага қўшимча чиқарилган пуллар реал иқтисодиётни ривожлантириш, таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш, самарали инвестициялар ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш учун сарфланса, инфляция фойдали бўлиши мумкин.

Мажозий маънода айтадиган бўлсак, ислоҳ қилинаётган иқтисодиёт учун бошқариладиган инфляция – касалликдан даволовчи оғриқли тиббий муолажа, аччиқ доридек. Бу муолажани юқори малакали шифокор ўтказиши керак.

Фикримизча, мамлакатимизда олиб борилаётган пул-кредит сиёсати ҳам инфляция ролини нотўғри, бирёқлама баҳолашга асосланган. Хусусан, айни пайтда асосий фоиз ставкаси 14 % этиб белгиланган шароитда кредитлар 15 – 20 % ва ундан юқори фоизга берилади. Реал иқтисодиётда эса (саноат, қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш соҳалари, қурилиш ва ҳ.к.) фойда даражаси бундай фоизларни тўлашга имкон бермайди. Бироқ, олди-сотди фаолияти бошқа гап... Яъни инфляцияга қарши курашиш шиори остида реал секторни молиявий ресурслар билан таъминлаш имконияти чекланади. Иқтисодиётимиз соҳалари ўртасидаги ўзаро тўловга ноқбиллик, айланма маблағларнинг өтишмаслиги айни шу билан боғлиқдир. Аграр секторимизда айланма маблағлар йўқ ҳисоб: йил бошида (қишлоқ хўжалик ишлари бошланганда) соҳа марказлашган фонд орқали банклар воситачилигида кредитланади, йил охирида (ҳосил сотилгандан кейин) кредитлар қайтарилари...

Бир неча йил олдин қайси соҳа ёки корхона ривожлантириш керак бўлса, унга яқка тартибда турли солиқ имтиёзлари ва бошқа

кулайликлар бериларди. Сўнги йилларда иқтисодиётимизда барча субъектлар учун тенг шароит яратиб, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида бундай амалиётдан воз кечишга қарор қилинди. Шундай бўлса-да, эски номақбул амалиёт, фикримизча, айрим хўжалик юритувчи субъектлар учун банк кредитлари фоизларини бюджет ва нобюджет фондлар орқали қисман қоплаш тарзида ҳанузгача давом этиб келяпти... Хуллас, нима бўлса бўлсину, банклар зиён кўрмасин. Гўё банклар реал иқтисодиётга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар эмас, балки иқтисодиёт банкларнинг барқарор даромадларини шакллантириш учун хизмат қилиши керакдек. Жорий йилнинг 9 ойида банк карталаридан 43,4 трлн. сўмлик маблағлар аҳоли томонидан нақдлаштириб олинган. Бу банк комиссияси 1 %га тенг бўлган тақдирда биргина шу турдаги операция ҳисобига банклар 400 млрд. сўм даромад олганини аналитади.

Учинчи нотўғри стереотип ғоя – бозор романтизми, яъни жамият ҳаётининг барча жабҳаларини бозор тамойиллари асосида қуриш мумкин деган ғоядир. Аслида бозор тамойиллари – хусусий мулк, рақобат, фойда олиш мақсади – реал иқтисодиётга, асосан моддий ишлаб чиқаришга хос тамойиллар. Ижтимоий соҳа – соғлиқни сақлаш, таълим, маданий, маънавий, ахборот соҳаларида бозор тамойиллари тўлалигича ишламаслиги керак ва бу соҳалар тўлиқ маънода бизнесга айланмаслиги даркор. Хусусан, одамлар кўпроқ касал бўлишдан моддий ишламаётган бўлган бизнес-медицина шаклланишига йўл қўймаслик лозим.

Ижтимоий хизматлар қисман, айрим турлари ҳатто тўлиқ тўлов асосида амалга оширилиши мумкин. Аммо пуллик дегани ҳар доим ҳам бизнес-фаолиятни аналитмайди. Пуллик ижтимоий хизматлар, шу жумладан, тиббий хизматлар тадбиркорлик субъектларининг эмас, балки нодавлат нотижорат ташкилотларининг хизматлари сифатида кўрсатилиши мумкин.

Бугун коронавируснинг хавфини англамоқдамиз. Эртага уни енгами. Индинга эса бошқа қутилмаган бало-қазолар бошимизга ёпирилиши мумкин, токи тараққиётимизни ресурсларни тежаш, тоза ҳаво, инсон саломатлиги, табиат билан уйғунликда яшаш каби мезонлар билан ўлчамасдан, бозор романтизмга берилиб, ЯИМ кўрсаткичини шиширишни мақсад қилиб, бунинг устига муомалага чиқарилган пулларни самарасиз сарфлайвериб, ижтимоий соҳалар фаолиятини ҳам пул билан ўлчашни давом эттираверсак – бунинг охири вой бўлиши мумкин...

**Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ,**  
иқтисод фанлари номзоди  
**Finance.uz**

## “САМОЛЁТНИ ТЎХТАТИНГ, ТУШИБ ҚОЛАМАН!”

(Бошланиши 1-саҳифада)

Мана бизнинг қиёфамиз. Ҳозир аксарият кишиларга бирор иш таклиф қилсангиз, бундан ташқари тушуми борми деб сўрайди. Ҳаром саналган ва жиноятга етаклайдиган ўша “тушум”га кўз тикади. Бу балога оммавий равишда қачон гирифтор бўлдик?! Президентимиз ҳам “ҳалоллик вакцинаси” ҳақида бежиз гапиргани йўқ.

Бу тўғрида кўп ўйладим. Балки одамлар онгани телевидениеда берилаётган сериаллар бузаяптимикин деб ўйладим. Бир оилада ота, она, ака, сингил, мактаб ўқувчиси бўлган ука ҳам телевизорда битта сериални томоша қила бошладилар. Ҳамма сериаллар бир хил. Қимматбаҳо кийим-кечак, латта-путталар, яхши емишлар, маиший қулайликлар, ўткинчи кайфу сафоларга берилиш, ор-номусни қўлдан чиқариш ҳамда нафс отовига юриш тарғиботи. Чиндан шундай – бирорта сериалда ўрта ҳол ёки қашшоқроқ оиладаги воқеаларни кўрмайсиз. Ҳаммаси бир қопилдан чиққандай бир хил, зерикарлик, чучмал, сийқаси чиққан, сохтадан-сохта. Энг қизиғи, ҳаммасида эр хотинни алдайди, ёки аксинча, хотин эрини алдайди. Кўз олдида рашкни келтириш учун бузуқчилик қилади, униси алданган томон ўч олишга қасд қилади. Ҳаммасида зино, бəҳаёлик, бузуқлик, бойлик учун ҳеч нарсдан тап тортмаслик тарғиб қилинади. Сериал қаҳрамонлари учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Энг ачинарлиси, халқимиз сериал кўришни оммавий, оилавий тус олдириди. Бизнингча бу ҳам оммавий айнишга сабаблардан бири бўлса керак.



Маънавият кўрган бўлмиш оиланинг асосларига дарз кетаяпти. Чунки юқоридаги тўй қилган оила мисолида фақат моддий томонга эътибор қаратилиш натижасида ажримлар кўпайган.

Бежиз мақола сарлавҳасига Эфраим Севела деган ёзувчининг “Самолётни тўхтатинг, тушиб қоламан” деган асари номини қўймадик. Чунки атрофингиздаги энг яқин қариндошларингиз ҳам моддиятга қаттиқ берилиб кетганида дунё кўзингизга қоронғу туюлиб кетар экан...

**Шукур ДАДАМИРЗАЕВ**

## МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛИДА

Аҳоли томорқалари халқимиз дастурхонига асосий истеъмол воситаларини етказиб берувчи локоматив эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Аммо, томорқаларда маҳсулот етиштириш ушбу жараёнида иштирок этувчиларнинг барчасини даромадларини қаноатлантирмакда ва даладан тўлиқ халқимиз дастурхонига етиб келмакда, дея олмаймиз.

Бунга етиштирилган маҳсулотнинг аниқ харидори йўқлиги ва мавсумда айрим турдаги экинларни талабдан ортиқ экилиши маҳсулот таннархини жуда пастлашига ва далада нобуд бўлиб қолиб кетишига сабаб бўлмақда.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш соҳада қиймат занжирини яратиш мақсадида, бундан икки йил илгари Ўзбекистон Республикаси Президентини қарорига асосан республика ҳудудларида аҳоли хонадонларига (томорқаларига) хизмат кўрсатувчи "Томорқа хизмати" МЧЖлар ташкил этилиб, айни вақтда уларнинг сони 370 дан ошган.

Бугунги кунга қадар, ушбу 370 дан ортиқ "Томорқа хизмати" корхоналари томонидан аҳоли томорқаларига турли хизматлар кўрсатилган.

**Бироқ, уларнинг фаолияти таҳлил қилинганда "Томорқа хизмати" МЧЖларнинг хонадонларни қамраб олиб хизмат кўрсатиш даражаси жуда суст эканлиги ва уруғчиликда бир қатор муаммолар борлиги аниқланди.**

Шунга қўра, аҳоли хонадонларига комплекс хизмат кўрсатиш ҳамда хонадонларни юқори даражада қамраб олинишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил

**30 июндаги "Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4767-сонли қарорига асосан "Томорқа хизмати" МЧЖлар негизда томорқачилик кластерлари ташкил этилиши белгилаб берилди.**

Қарорда ушбу жараёни мувофиқлаштириш Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгашига, лойиҳаларни имтиёзли кредитлар асосида молиялаштириш ишлари Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан амалга оширилиши белгиланган.

"Томорқа хизмати" МЧЖлар негизда ташкил этилаётган томорқачилик кластерларининг аҳамияти шундаки, улар аҳоли хонадонларига тизимли равишда уруғ ва қўчат етказиб беришдан, томорқаларда

етиштирилган маҳсулотни харид қилиш ишларини ҳам тўлиқ бажариши режалаштирилган.

Бунда уларнинг фаолият йўналишлари 12 та турга бўлиниб, аҳоли хонадонларига иссиқхоналар қуриб бериш, томорқаларда дала ва ёпиқ усулда маҳсулот етиштириш учун ҳудудлар жойлашувига қараб, уруғ ва қўчатлар етказиб бериш, минитехникалар ва дорипуркагичлар орқали аҳоли томорқаларига арзон нархларда агротехник хизматлар кўрсатиш, томорқаларда етиштирилган маҳсулотларни юк сақлаш ва музлаткичли омборларда сақлаш, туман ва аҳоли гавжум марказларда уруғ, қўчат ва минерал ўғит дўконларини ташкил этиш, томорқада етиштирилган маҳсулотларни қўлай нархларда харид қилиш ва қайта ишлаб экспортга йўналтириш каби бир қатор асосий вазифалар бажарилиши белгиланган.

**Аҳамиятлиси шундаки, ушбу хизматларнинг барчаси айнан бир жойда, бир ҳудудда комплекс тарзда амалга оширилиб, ҳамюртларимиз мазкур хизматларни узлуксиз равишда истеъмол қилиш имкониятига эга бўладилар. Бу эса аҳоли учун бир мунча қўлайликлар яратади.**

Ҳар бир "Томорқа хизмати" МЧЖ негизда ташкил этилган томорқачилик кластери туман аҳолисининг камида 15 минг хонадонини қамраб олиб, хизмат қилиш имкониятига эга бўлиши ушбу лойиҳанинг ижобий натижаларни қайд этишини кўрсатади.


Дастлабки 25 та томорқачилик кластерини ташкил этилиши натижасида 800 дан ортиқ иш ўринлари жумладан, агроном, ҳайдовчи, инженер-технолог, сотувчи, пайвандчи, ветеринар каби касб эгаларига иш билан бандлиги таъминланиши кўзланган.

Шунингдек, дастлабки босқич лойиҳалари ишга тушиши натижасида йилига 600 минг АҚШ долларли маҳсулотлар экспорти амалга оширилиши, нобуд бўлиши эҳтимоли юқори бўлган 15 минг тоннадан (йилига) ортиқ маҳсулотлар музлаткич омборларида захира қилиниши, 50 минг гектар ер майдони экиш ишлари учун арзон нархларда қайдаб берилиши, йилига 90 минг тонна маҳсулот қайта ишланиши кутилмақда.

Бугунги кунга қадар, Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 19 та "Томорқа хизмати" МЧЖга мазкур лойиҳа доирасида 45 млрд сўм имтиёзли кредит ажратилган бўлса, келгуси йилда уларнинг сонини 75 тага етказиш режалаштирилган.

**Хуршид ИСРОИЛОВ**  
Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси  
Томорқа хизмати МЧЖлар билан ишлаш бўлим бошлиғи

Яқинда ижтимоий тармоқларда банкомат орқали нақд пул қилишда бир фоиз хизмат ҳақи ушлаб қолиниши кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. Албатта, бу мунозараларда ҳар ким ўзича ҳақ. Яъни "Нега ойлик маошимни нақд қилиш учун меҳнат қилиб топган пулимдан фоиз олиш керак", ёки "Банк тижорат ташкилоти у ҳам хизматига яраша ҳақ олиши зарур" дейдиганлар ҳам.



## НАҚДИ АСАЛ, АММО...

Шу ўринда бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Бу масаланинг кўтарилиши аксарият аҳолининг турли хаёлга боришига сабаб бўлди. Нега? Чунки ҳали ҳануз аксариятимиз пластик тўловлардан кўра, нақд пулда тўловларни амалга оширишни маъқул кўраемиз. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаблари бор. Нақд пул ҳар жойда иш беради. Пластикда эса ҳанузгача муаммолар учраб турибди. Айниқса, шаҳар марказларидан биров нарига борсанг, бунга гувоҳ бўлишинг тайин. Бундай муаммога республикамизнинг хоҳлаган ҳудудда дуч келиш мумкин. Энг ачинарлиси, пандемия давом этаётганига қарамасдан айрим жойларда банкоматлардан нақд пул ечишда одамларнинг навбат кутиб, тўпланиш ҳолатлари учраб турибди. Бу жараён коронавирус айни авжига чиққан паллада ҳам кузатилди. Афсуски, бу пайтда масофа сақлаш, бир-бирини ҳурмат қилиш каби тушунчалар иш бермай қолди.

Нега ҳанузгача нақд пулдан воз кеча олмаяпмиз?! Коронавирус нақд пул орқали юқиши аниқ бўлиб турган бир пайтда ҳам.

**Шуниси аниқки, аксарият аҳолининг харажатларини бозор орқали амалга оширади. Бозорда эса қўлай тўлов бу нақд пул, сотувчи учун ҳам харидор учун ҳам. Бу эса ўз навбатида, қора бозорнинг яъни, яширин иқтисодиётнинг рағбатига хизмат қилмақда. Натижада нақд пул айланмаси фақат бозорларнинг ўзида айланмақда. Албатта, шу кунларда яширин иқтисодиётни қўқарттириш борасида катта ишлар бошланди. Бу борада ҳам яхши ўзгаришлар кўзга ташланиб қолар. Аммо бунга ҳам вақт керак.**

Лекин шу ўринда бир гап. Дунё глобаллашиб, рақамлашиб, барча жараёнлар электронлашиб бораётган бир пайтда биз нақд пулни муаммо қилиб ўтириши яхшимикан, деб ўйлаб қоласан, киши. Бу борада айрим давлатлар нақд пулдан бутунлай воз кечиш устида бosh қотирмоқда. Айниқса, пандемиядан кейин бу жараён янада тезлашди. Ҳатто Россия Федерацияси ҳам рақамли рубли жорий қилиш устида ишлапти. Чунки мамлакатда нақд пулсиз тўловлар улуши жорий йилнинг иккинчи ярим йиллигида 70 фоизга ўсган. Бу эса нақд пулга бўлган эҳтиёж тобора камайиб бораётганидан далолат беради.

Хўш, россияликлар тўловни нима

орқали амалга оширган?! Албатта, банклар мобил иловалари ва шу каби турли онлайн тизимлари орқали. Бу эса мамлакатда молиявий саводхонлик қай даражада ривожланиб бораётганини ҳам билдиради.


Молиявий саводхонлик ҳақида гап кетганда, бу бизнинг энг оғриқли нуқтаимиз деган бўлардим. Чунки ҳали ҳануз нақд пул масаласининг кенг жамоатчилик орасида муҳокамаларга сабаб бўлганининг ўзи ҳам молиявий саводхонлик борасида анча ишлар қилиниши кераклигидан дарак беради. Чунки бутун дунё рақамлашиб, тезлашиб, молиявий хизматлар ҳам тобора ихчамлашиб рақамлашиб бормоқда. Биргина қўл телефонимизда бутун бир тўлов тизимлари жойлашиб, пластик картага ўхшаш воситаларга эҳтиёж қолдирма-япти. Бу тармоқ борган сари жадал суратда тараққий этиб бормоқда. Шундай улкан ўзгариш жараёнида жажон билан бўйлашиш учун оддийгина мобил илова нима эканлигини билиш ҳеч бўлмаганда банкоматдан пул ечишни билиш зарур назаримда.

Аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш бўйича ҳукуматимиз томонидан тегишли ташкилотларга бир қатор вазифалар берилган, аммо уларнинг саъй-ҳаракатларини негадир кўзга ташлангани йўқ. Агар сезиларли ишлар қилинганда аҳоли банкларни фақат пул билан таъминловчи ташкилот деб эмас, балки у ҳам тижорат ташкилоти эканлигини яхши билишарди.

Сўзимиз сўнггида бир таклифни олға сурмоқчимиз. Бугунги кунда тижорат банклари томонидан аҳоли учун қўллаб-янгидан янги инновацион хизматлар жорий этишга ҳаракат қилинмоқда. Уларнинг бундай янги ишланмалари ҳақидаги маълумотлар эса фақатгина ўзларининг расмий сайту ижтимоий тармоқларида айланади. Натижада унинг самараси ҳам тор доирада бўлади. Бу доирани кенгайтириш учун эса реклама қилиш керак. Реклама эса миллион, миллион пул, ортиқча сарф-харажат дегани. Шу боис, айрим банк хизматларини ОАВда ёритишда фақат тижорий деб эмас балки, маълум имтиёзлар берилиши зарур. Ҳеч бўлмаганда тўлов тизимлари ва мобил иловалар ҳақидаги маълумотларни тижорий қилиб эмас, аҳолига янгилик сифатида ҳам тақдим этиш мумкин-ку. Бундан банк ҳам аҳоли ҳам манфаатдор бўлар. Лекин энг асосийси аҳолини молиявий саводхонлиги оз бўлса-да ошади. Бундан эса энг аввало, мамлакатимиз, халқимиз ютади.

*Шундай эмасми?! Сиз нима дейсиз, азиз ўқувчи?!*

Р. ПЎЛАТОВ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2020 йил 20 ноябрдаги “Солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 736-сон қарори билан “Солиқ тўловчининг банк ҳисобварақлари билан боғлиқ операциялар бўйича солиқ органи ва банк тизими ўртасида электрон маълумот алмашиш тартиби тўғрисида” Низом тасдиқланди.

## Солиқ органи ва банк ўртасида маълумот алмашиш соддалаштирилди

Мазкур Низом билан амалиётга жорий этилаётган янги тартиб ва ўзгаришлар ҳақида Давлат солиқ қўмитаси Солиқ қарзини ундиришни ташкил қилиш департаменти директори Нодир Эрқаев тушунтириш берди.

Низомда қандай ўзгаришлар назарда тутилган?

– Ушбу Низом билан солиқ тўловчининг солиқ қарздорлигини ундиришда (тўлашда) ҳамда банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришда (тўхтатиб туришни бекор қилишда) солиқ органи ва банк тизими ўртасида электрон шаклда маълумотлар алмашиш тартиби белгиланди.

– Солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига ортиқча инкассо топшириқнома қўйилишини олдини олиш мақсадида, тижорат банклариға солиқ тўловчи ҳисобварағида пул маблағи йўқлиги (етарли эмаслиги) сабабли қабул қилиб олинган тўлов топшириқномаси ёки солиқ органи инкассо топшириқномасининг бажарилмаганлиги (қисман бажарилганлиги) тўғрисидаги электрон банк хабарномасини солиқ органиға юбориш вазифаси юқланди.

– Тадбиркорлик субъектларининг ортиқча овозагарчиликларини олдини олиш мақсадида, солиқ органиға солиқ тўловчиларнинг банк ҳисобварағида ижрода турган ортиқча тўлов топшириқномаларни ижродан чақириб олиниш ваколати берилди. Бунда, ушбу амалиёт солиқ органи томонидан “Bank mail” тизими орқали электрон тарзда амалга оширилади.

– Солиқ органи инкассо топшириқномаси ёки солиқ тўловчи тўлов топшириқномаси тадбиркорлик субъектининг фақат асосий ҳисобварағига қўйилиши ҳамда қўйилган кундан бошлаб бир иш кuni ичида, шунингдек валюта ҳисобварағига қўйилган топшириқнома икки иш кун ичида банклар томонидан бажариллиши белгиланди.

– Солиқ тўловчининг банк ҳисобварағида пул маблағлари етарли бўлмаганлиги сабабли бажарилмаган ёки қисман бажарилган тақдирда, солиқ қарзини мажбуриятга эга

шахснинг муддатли депозитдаги ҳамда корпоратив карталаридаги маблағлари ҳисобидан ундириш белгиланди. Бунда, муддатли депозитдаги маблағлардан ундириш, уларнинг амал қилиш муддати туғандан кейингина амалга оширилади.

– Солиқ тўловчиларнинг банк ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш ва бекор қилиш тартиби ва муддатлари белгиланди.

Унга кўра, солиқ тўловчиларнинг банк ҳисобварақлари бўйича операциялари электрон тарзда солиқ органи қарори билан 10 кун муддатгача қўйидаги ҳолларда тўхтатиб турилади:

*солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг белгиланган муддати туғаванидан кейин ўн кун ичида тақдим этмаганда;*

*камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабномага тушунтиришлар ёки тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ органи талаб қилган ҳужжатларни тақдим этмаганда;*

*солиқ текшируви ўтказаетган солиқ органи мансабдор шахсларини кўрсатилган ҳудуд ёки бинога киришига тўсқинлик қилганда;*

*солиқ тўловчи кўрсатилган манзилда йўқ бўлганда.*

Солиқ тўловчиларнинг банк ҳисобварақлари бўйича операцияларини 10 кундан ортиқ муддатта тўхтатиб туриш суд қарори билан амалга оширилади.

Солиқ органининг банк ҳисобварақ бўйича операцияларини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб 10 кун ичида солиқ органи судга мурожаат қилмаган тақдирда, банк томонидан солиқ тўловчининг банк ҳисобварағи операциялари тўхтатилиши бекор қилинади.

ДСҚ Матбуот хизмати

## 1 декабрдан нималар ўзгарди?

**1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилади 2020 йил 1 декабрдан:**

*маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судлар ваколатига ўтказилади;*

*ҳуқуқбузарликларни содир этган шахс томонидан маъмурий жарима-ни суд ва ваколатли идораларда иш қўрилганга қадар ихтиёрлий тўлаш рағбатлантирилади;*

**2. Умумтаълим фанлари бўйича сертификатлаш жорий этилади**

Босқичма-босқич бакалаврият таълим йўналишларига мос фанлар мажмуасидаги умумтаълим фанларидан билиш даражасини баҳолашнинг миллий тест тизими жорий этилади.

Умумтаълим фанлари бўйича сертификатлаш 2020 йил 1 декабрда она тили ва адабиёт (ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти) ҳамда математика фанлари бўйича жорий этилади.

**3. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети республикадаги барча жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат ташкилотлари ҳамда спорт федерациялари (уюшмалари) фаолияти устидан ўқув ва илмий-услубий раҳбарликни амалга оширади.**

**4. Ўзбекистоннинг Афғонистон Ислон Республикасида савдо ва иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилади.**

**5. Давлат божхона қўмитаси ҳамда Ички ишлар вазирлиги Вазирлар Маъкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси эҳтиёжларидан келиб чиқиб, йилга 5 тадан ўсимликлар карантини соҳасидаги ўзига хос “детектор”лар – хизмат итлари ҳамда 5 нафардан кинолоғлар тайёрлаб берилишини таъминлайди.**

**6. Давлат тиббий сўғуртаси жамғармаси ташкил этилади**

*Жамғарманинг асосий вазифалари, жумладан, қўйидагилар ҳисобланади: давлат тиббий сўғуртаси тизимини жорий этиш, бошқариш ҳамда ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини амалга оширишда идоралараро ҳамкорликни таъминлаш;*

*аҳолининг барча қатламларини кафолатланган пакет доирасида сифатли ва зарур тиббий ёрдам билан таъминлаш мақсадида тиббий хизматлар стратегик хариди тизимини жорий этиш.*

**7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргалликда атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган I ва II тоифаларга мансуб бўлган мўлжалланаётган ва режалаштирилаётган фаолият турлари бўйича жамоатчилик эшитувлари ўтказилади.**

**8. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан биотехнологиялар соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган кредитлар бўйича**

ДЕКАБРЬ

1 НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

кредит суммасининг 50 фоизгача (50 фоизи ҳам кирди), бироқ 8 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда кафиллик берилади.

**Кредит суммаси 10 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган биотехнологиялар соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун қўйидаги миқдорларда компенсация берилади:**

*миллий валютадаги кредитлар бўйича – Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ортиқ, бироқ 5 фоизли пунктдан ошмаган миқдорда; хорижий валютадаги кредитлар бўйича – тижорат банклари томонидан белгиланган ставканинг 30 фоизи, бироқ 4 фоизли пунктдан ошмаган миқдорда.*

Биотехнологиялар соҳасида илмий тадқиқотлар ва инновацион фаолиятни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистонга 3 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган тўғридан-тўғри инвестиция киритган хорижий илмий ташкилотларга илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун 10 миллиард сўмгача мақсадли грантлар тақдим этилади.

**9. 2020 йил 1 декабрдан:**

*жиноят натижасида давлатга етказилган зарар, давлат божлари, жиноий ва маъмурий жарималар, давлат фойдасига бошқа турдаги ундирувлар ҳамда давлат даромадиға ўтказилган олиб қўйилган мол-мулкни сотишга оид ижро ҳужжатлари бўйича келиб тушган маблағлар алоҳида газначилик ҳисобварағида жамланади ва белгиланган миқдорда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларни қўллаб-қувватлаш учун очилган ҳисоб рақамларига пропорционал тартибда йўналтирилади;*

*ижро ҳужжатини мажбурий ижро этиш давомида қарздорнинг хатланган мол-мулкни бошланғич нархдан 30 фоизлик чегирма билан, Давлат бюджетига ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича сотилаётган мол-мулк эса – ҳудудий кенгашлар қарорига мувофиқ 50 фоизгача чегирма билан нархни ошириб бориш услубида ўтказиладиган дастлабки электрон онлайн-аукционга қўйилади (бундан гаровга қўйилган мол-мулк билан таъминланган қарздорликни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари мустасно).*

“Huquqiy axborot”  
телеграм канали

# ГЕНЕТИК ЎЗГАРТИРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР ТАҲДИДИ

“Мавҳум келажакка мажҳул тикилар  
Айбдор аждодларни қарғаб, боз қарғаб...”

Америкалик шоир Оскарнинг  
“Заиф одамлар” китобидан

Агар газетамиз ўқиб бораётган бўлсангиз, такрор таъкидлаганимиздек, бу соҳада, яъни ирсият йўналишида нанотехнология, генетик операциялар фақат ҳаддан ошиш, холос. Буни қарангки, генларнинг керакли комбинациясидан фойдаланиб ўзимиз хоҳлаган рангли, мазали, ҳидли, шакли ва бошқа параметрли меваларни олиш мумкин экан. Бироқ, ГҲМ маҳсулотларининг салбий томонлари ҳам бор.

Йилдан йилга геноми ўзгартирилган ўсимликлар ҳосили кўпайиб борапти. Жумладан, дунёда етиштирилаётган соянинг 75 фоизи ва маккажўхорининг 35 фоизини геноми ўзгартирилган трансген ўсимликлар ташкил қилади. Ўсимлик ҳужайрасидаги генлардан фақат биттаси ўзгарган ёки ягона бегона ген ҳужайрага киритилган бўлса, булар иккинчи даражали геноми ўзгарган ҳисобланади.

Маҳсулотлар Европа бозорига сотилмоқда. Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (WHO - WORLD HEALTH ORGANIZATION) маълумотида кўра, кўпгина давлат ташкилотлари геноми ўзгартирилган маҳсулотларни махсус баҳолаш жараёнидан ўтказиш лозим, деб ҳисоблайди.

Трансген озуқаларнинг инсон саломатлигига асосан уч жиҳатдан таъсир қилиш эҳтимоли бор: аллергик реакция, ген кўчиши ва ауткроссинг. Савдога чиқарилаётган трансген озуқаларда аллергик таъсири ҳозирча кам кузатилган. Ген кўчиши, яъни геннинг трансген озуқадан ошқозон-ичак трактидаги бактерияга ўтиши асосан антибиотикка бардошли бўлган генларга таллуқли. Гарчи ўтиш эҳтимоли паст бўлса-да, экспертлар трансген озуқаларда бундай генларни ишлатмаслик бора-сида тавсиянома чиқарганлар. Ауткроссинг - генларнинг трансген ўсимликдан бошқа соф ўсимликларга табиий тарзда кўчиши бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига билвосита таъсир этиши мумкин. Масалан, чорвачилик учун етиштирилган трансген ўсимликдаги ген, инсонлар учун етиштирилдиган ўсимликларга ўтиши каби. Бу эса трансген ўсимликлар билан оддий ўсимликлар орасида қатъий чегара қўйилишини тақозо қилади. АҚШда 10-15 йилдан буён, миллионлаб тонна озиқ-овқат маҳсулотлари геноми ўзгартирилган ўсимликлар ҳисобига олинади. Мурасага келмоқчи бўлган олимлар трансген организмларга оид тадқиқот ишларида асосий омил инсон учун қайси бири зарарли ва қайси бири зарарсиз эканлигини аниқлаш, шунга асосан навларни селекция асосида танилаб боришдан иборат, деб айтишмоқда.

Ҳозирги кунда олимлар ирсияти қисман ўзгартирилиб, турғун ҳолатга келтирилган бир қанча трансген ўсимликларнинг етиштиришди. Жумладан, тузли муҳитта чидамли донли, дуккакли, сабзавот ва мойли ўсимлик навлари етиштирилган. Хитой олимлари томонидан кучли шўрхок ерларда ўсиб ҳосил берувчи шולי, помидор ва соя навлари қишлоқ ҳўжалигига тавсия этилган.



ТўРТИНЧИ МАҚОЛА

**Бугун дунё бозорига иккинчи даражали геноми ўзгартирилган ўсимликлар кириб келмоқда. Баъзи мутаҳассислар бундай ўсимлик навларини инсон учун зарарсиз деб ҳисобламоқдалар. Сўнги йилларда дунё қишлоқ ҳўжалигида 80 дан ортиқ трансген ўсимлик навлари етиштирилмоқда. Гентехнологияни ёқлаётганларнинг далили шундаки, ҳўжаликдаги экинлар ҳосилининг 30 фоизи микроорганизмлар, вируслар ва бошқа зараркундалар томонидан йўқ қилиб юборилади, айрим замбуруглар ўзларидан инсон учун хавфли бўлган токсинлар ишлаб чиқарадилар, геноми ўзгартирилган трансгенли ўсимликларнинг янги навлари эса мана шундай зарарли микроорганизмларга қарши самарали кураша олади ва ҳоказо. Бироқ, бургага аччиқ қилиб тушакни куйдириш ярамайди.**

Беш йил аввалги маълумотларга қараганда, ГҲМ маҳсулотлари зарарлилиги учун Европа бозорига кириши таъқиқланган эди. Бироқ, яқинда Бутун дунё савдо бирлашмаси трансген маҳсулотларни Европа бозорига киритиш масаласини кўриб чиқди. Ана шу уюшманинг билдиришича, тортишувлар илмий асосда бўлмасдан, рақобатчилик ва протекционизм асосида вужудга келган. Мана, икки йилдирки, АҚШ ва Канадада етиштирилган трансгенли

**Мазкур навлар худудининг 33 миллион гектар майдони кучли шўрланган Хитойда давлат раҳбарияти томонидан маъқулланган. Бу борада япон ва ҳинд биологлари ҳамкорликда геноми ўзгартирилган янги шולי навини олишгани ҳам ҳақиқат. Ушбу шולי нави таркибиде туз миқдори 11-12 г/л бўлган сув таркибидеги туз миқдоридан 2-3 мартаба ортиқдир. Ваҳоланки, бизда бундай шўр сувлар чулли худудларга чиқариб ташланади. Келажакда ана шундай сувлардан ҳам трансген ўсимликлар учун фойдаланиб, ута юқори концентрацияли, аномаль сувларни Орол денгизи томон йўналтириш мумкин, деб башорат қилаётган олимларимиз бор. Бироқ ҳамма гап етти улчаб бир кесийда.**

Мамлакатимизда тупроқ ҳосилдорлигини ошириш, қишлоқ ҳўжалигидаги экинларнинг сермахсул, касалликларга ҳамда шўрланган муҳитта чидамли навларини турли усуллар билан етиштириш муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Республикаимиздаги текис ерларнинг 75 фоизи чулдан иборат. Аксарият қисми табиий омиллар таъсирида шўрланган тупроқлардир. Ҳозирги кунда экин майдонларининг 60 фоиздан ортиги шўрланган. Агар сув таркибиде туз 5 г/л ни ташкил қилса, у кучли шўр-

ланган бўлиб, маданий ўсимликларни суғоришга яроқсиз ҳисобланади. Галофитлар деб номланган ўсимликлар кучли шўрланган ерларда қийналмасдан ўсиб ривожланади. Чунки уларнинг илдиз тўқималар ҳар хил органик бирикмаларнинг концентрацияси юқори бўлиб, ўсимлик танасига ортиқча туз киришдан сақлайди. Галофитларнинг бундай хусуси уларнинг ирсиятидаги тузли муҳитта мослаштирувчи махсус генлар билан боғлиқ.

Биздаги айрим олимлар фикрича, ген муҳандислиги усуллари ёрдамида галофитларнинг мана шу генларини ажратиб бошқа ўсимлик геномига жойлаштириш мумкин. Тузли муҳитта мослашган трансген ўсимлик навлари худди Мичурин томонидан пайванд ёки селекция асосида етиштирилган олма навлари каби инсон учун зарарсиздир. Улар юртимиз қишлоқ ҳўжалиги учун имкониятлар очади. Жумладан, бир неча миллиард кубометр коллектор дренаж сувларидан фойдаланиш ва миллионлаб гектар шўрланган ерларни ўзлаштириш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, озиқ-овқат ҳамда минглаб деҳқонларга кўшимча ер ва қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш каби жиддий муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Биология фанлари доктори, академик Беюжон Тошмуҳамедовнинг фикрича, трансген ўсимлик ҳужайра ва тўқималарида органик бирикмаларни оддий ўсимликка нисбатан бир неча марта кўп тўплаши унинг сувоққа чидамлилик қобилиятини оширади. Демак, бундай ўсимлик турларини Шимоллий вилоятларимизда, совуқ шароитда ҳам экиб ҳосил олиш имкони мавжуд. Келгусида ўзимиз ҳам маҳаллий ўсимликлар асосида тузли муҳитта чидамли трансгенли навларни

етиштиришимиз мумкин. Масалан бўйи 10 м, диаметри 1 м атрофида бўлган саксонумланган ўсимликлар таркибиде 40 г/л туз бўлган муҳитда бемалол ўсаверади. Шу ўсимлик ажратиб маҳаллий қишлоқ ҳўжалик экинларига ўтказиш мумкин. Бу каби илмий муаммоларни яқка ҳолдаги илмий ходим ёки лабораторияларга топширмасдан, Қишлоқ ҳўжалик вазирлиги, сув ҳўжалиги мелиорацияси, уруғчилик шахобчалари билан биргаликда муайян дастур асосида ҳал қилиш янада мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда олимнинг фикрига қўшилмаймиз, бу операцияни шошқалоқлик билан лаборатория шароитида ўтказмай қўллаш яхшилик билан тугамаслиги ҳам мумкин.

Кейинги вақтда қора йўллар билан трансген маҳсулотлар мамлакатимизга кириб келаятгани бор гап. Чунки ҳозирда биз тезкор замонда, трансмиллий маҳсулотлар чегара билмай тарқаятган, глобаллашув даврида яшамоқдамиз. Лекин, “хўрозқанд чет элники деса ётиб олиб ялайдиган”, даврдан ҳам ўтдик. Бундай мураккаб даврда замонавий тиббиёт ҳам бизнинг асл, табиий маҳсулотлар истеъмол қилишимиз тарафдори. Ёш авлодни четдан оқиб келувчи зарарли ахборотлар хуруждан сақлайлик деймиз, шу ўринда четдан келувчи бошқа моддий нарсалар ҳақида ҳам билиб қўйишимиз фойдалан холи эмас. Шу ўринда машҳур олим Чарлз Дарвин таълимотида парадоксал, яъни тескари фикр билдирмоқчимиз, маймундан одам пайдо бўлган, аксинча, бу кетишда одамдан маймун пайдо бўлади ва муқаррар шу маҳлуқотдан кейин ҳаёт тугайди...

**ОСИЁ мамлакатлари тажрибасини ўрганиш Ўзбекистон каби мустақилликдан кейин жадал ривожланиш палласига кирган ривожланаётган мамлакатлар учун қўл келиши мумкин. Газетамизнинг ушбу сонида ҳам Осиёдаги икки давлат ривожланиш тенденцияларини ўқисак фойдадан холи бўлмайди.**

### ФИЛЛИПИН ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ

Осиёнинг бешинчи мамлакати, "Осиё йўлбарслари"дан Филлипиндир. Бу ерда ўтган асрнинг 80-90-йилларида иқтисодийнинг ривожланаётган аграр-индустриал модели шаклланди. Мустақилликкача Филлипин иқтисодиёти қишлоқ ва ўрмон хўжалигига асосланган эди. Мамлакат ривожланишининг янги модели иқтисодиётни модернизациялаш, ахборот-коммуникация технологиясини ривожлантиришга таянмоқда. Экспортда ишлов берувчи саноатнинг улуши 75 фоизга етади, қайсики унинг таркибида юқори технологияли маҳсулотларнинг ҳиссаси 54 фоиздан иборат. Миллий бозор ўзининг экспорига боғлиқлигини сақлаб қолмоқда. Мамлакат қазилма бойликларга нисбатан бой. Бу ердан мис, олтин, хром, никель, нефть қазиб олинади. Ишлов бериш саноатида кийим-кечак, электроника, маиший маҳсулотлар, озик-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Филлипиннинг бош қишлоқ хўжалиги экинчи шоли. Шунингдек, маккажўхори, ананас ва банан, шакарқамиш, қахва ва табиий каучук етиштирилади. Уларнинг бир қисми ташқи бозорга кетади.

Хўш, нима ҳисобига, қандай қилиб мамлакат тарихан қисқа вақт ичида янги индустриал мамлакатлар қаторидан жой олди? Алоҳида Филлипин иқтисодий ривожланиш модели тўғрисида гапириш қийин бўлса-да, бу орол – давлатда иқтисодий тараққиётнинг ўзига хос йўналишлари, омиллари бўртиб туради.

**Энг аввало, Филлипин 90-йилларда саноатни диверсификациялаб, унда экспорт соҳасининг ҳиссасини 30 фоизга етказиб, хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улушини 50 фоиздан ошириб улгурди. Ҳозир ЯИМдаги саноатнинг ҳиссаси 30 фоиздан, хизмат кўрсатиш тармоқлариники 55 фоиздан ошади. Қолган улушни қишлоқ хўжалиги тўлдирди. Тўғри, хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакат ривожланиш даражасининг асосий кўрсаткичи бўла олмайди. Осиё мамлакатларида хизмат кўрсатиш соҳаси "ижтимоий амортизатор" вазифасини ҳам бажаради. Бу соҳада, айниқса, унинг чакана савдо қисмида асосан, малакасиз ишчилар ишлаб, бандлик муаммосини юмшатишга ёрдам беради.**

Филлипин ярим ўтказгичлар ва электрон маҳсулотлар, транспорт воситалари ҳамда асбоб-ускуналари, кийим-кечак, мисдан ясалган буюмлар, нефть маҳсулотлари, кокос ёғи, мева, ёғоч тамакини АҚШ, Япония, Хитой, Сингапур, Гонконг, Жанубий Корея ва Германияга экспорт қила-

ди. Шу вақтнинг ўзига АҚШ, Япония, Сингапур ва Тайвандан электрон маҳсулотлар, минерал ёқилғи, машиналар, транспорт асбоб-ускуналари, темир ва пўлат, тўқимачилик маҳсулотлари, дон, кимёвий моддалар, пластика импорт қилади.

Филлипиндаги иқтисодий ўсиш-



**Иккинчи тўлқин: янги индустриал мамлакатлар иқтисодий модели**

## ФИЛЛИПИН ВА ВЬЕТНАМ

ни Жануби-Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатларига тақослаб бўлмайди. Бу ерда ўсиш ўртамиёна бўлиб, асосан, чет элда ишлаётган 4-5 млн. филиппинликлар ўтказадиган (ҳар йили 6-7 млрд. АҚШ доллари) пулллар, арзон ишчи кучи ва ахборот-коммуникацион технологиялар ҳисобига таъминланади. Филлипин кескин контрастли мамлакатлардан биридир. Бир томондан, юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, экспорт яхши ривожланган, иккинчи томондан эса, мамлакат аҳолисининг учдан бир қисми қашшоқ яшади. Аҳоли жон бошига ЯИМ бўйича дунёда 164-ўринни эгаллайди. Аҳолининг тез ўсиши ҳисобига қашшоқликни камайтириш жуда секин кечади. Ишсизлик даражаси юқори – 10 фоиз аτροφиди.

### ВЬЕТНАМ

ВЬЕТНАМНИНГ иқтисодий ривожланиш модели тараққий этаётган саноатга эга аграр киёфададир. Бу ерда аралаш иқтисодиёт қарор топган бўлиб, иқтисодиётда асосий ролни давлат ўйнайди. Иқтисодиётнинг ривожланишини беш йиллик режалар орқали назорат қилади. XXI аср бошида иқтисодиётнинг бош тармоғи қишлоқ хўжалиги эди. Аммо, кейинги йилларда саноатнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Оғир индустрия тармоқлари ҳисобланадиган электрэнергетика, машинасозлик, металлургия, шунингдек, кимё, қурилиш материаллари саноати, енгил саноат илдам ривожланмоқда.

Ўтган асрнинг 90-йилларида бозор муносабатларига кенг йўл очилиши муносабати билан катта миқёсда давлат тасарруфидан чиқариш жараёни давомида 90 миллионлик мамлакат иқтисодиёти

диққатга сазовор ютуқларга эриша бошлади. Чет эл инвестицияларини киритиш, қўшма корхоналар тузиши рағбатлантиришнинг бошланиши ҳам худди шу даврга тўғри келади. Хизмат кўрсатиш соҳаси, савдо ва халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хусусий корхоналарнинг ҳиссаси катта. Тасаввур қилинг, бундай ўзгаришлар коммунистик Вьетнамда рўй бермоқда. ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 8,5 фоиз бўлиб келаётган эди, ammo жаҳон молиявий-иқтисо-

Вьетнам иқтисодиёти моделининг амалдаги кўриниши куйидаги белгилардан – қишлоқ хўжалигининг юқори улуши, иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилганлиги, ЯИМнинг ўртача даражада ўсиши, давлатнинг қайишқоқ бошқаруви, инфратузилмадаги зиддият: ривожланган алоқа, авиация, ер транспорт, айниқса, темир йўл ва қувур транспортда орқада қолишдан иборат.

**Ҳукумат иккинчи ўн йиллик учун Вьетнам иқтисодиётининг янги моделини таклиф қилди. У куйидаги йўналишларни ўз ичига олади:**

- саноат ва хизмат кўрсатиш секторларини реструктуризациялаш. Бу ерда гап паст илмий-техника мазмуни ва паст қўшилган қийматли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан олий даражали қўшилган қийматли юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш тўғрисида бормоқда. Бу борада Вьетнам реал имкониятларга эгалиги маълум;
- корхоналарни реструктуризациялаш. Бунинг учун жаҳон фани ва технологиясининг ишлаб чиқариш ҳамда бошқариш соҳасидаги энг янги ютуқларини қўллаш зарур. Шу муносабат билан корпоратив бошқаришни ҳам ислоҳ қилиш лозим бўлади;

- маркетинг стратегиясига ўзгаришлар киритиш. Глобаллашув ва халқаро интеграция корхоналар учун янги бозорлар очмоқдаки, бу уларга чет эл инвестиция лойиҳаларидан келиб чиқадиган афзалликлардан тўла фойдаланиш имкониятини беради. Глобаллашув иқтисодиётларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳам оширади;

- маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт бозорларини диверсификациялаш. Бу тадбир бир неча бозорга боғлиқ бўлиб қолишдан сақлайди, шу билан биргалликда ички бозорни, айниқса, қишлоқ жойларда рағбатлантиради;

- давлат харажатларини камайтириш. Хусусий сектор ва чет эл фирмаларидан инвестициялар жалб қилишдан манфаатдорликни ошириш, давлат-хусусий ҳамкорлиги сингаги инвестициялашнинг янги шаклларини ишлаб чиқиш.

Вьетнам иқтисодиётининг "локомотиви" бўла оладиган ҳал қилувчи тармоқлар сифатида электрэнергетика, электроника, озик-овқат саноати, кемасозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, автомобил агрегатлари ҳамда эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш, нефть ва табиий газ қазиб олиш, шунингдек, қайта ишлаш, сайёҳлик (туризм) ривожлантирилади.

Шухрат ЖАББОРОВ

**Ўтган ўн йилликнинг охирига келиб мамлакат аҳоли жон бошига ўртача йиллик даромад бўйича ўртача ривожланган мамлакатлар қаторига кириб олди. Аммо, ўртача даромад даражаси ўзига хос қолқон ролини ҳам ўйнаши мумкин эди. Чунки, аҳоли даромадларининг ошиши Вьетнам иқтисодиётининг рақобатбардошлигини тушириб юборди. Сабаби ҳозиргача мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигининг асосий омил иш ҳақининг паст даражаси эди. Унинг ўсиши билан бу омил энди рақобатда кам роль ўйнайдиган бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам иқтисодиётнинг янада ўсишини таъминлаш учун инновацион ёндашув, ходимларнинг юқори малакаси, соҳаларни янада самаралироқ бошқарув зарур.**



## Россияда фирибгарликнинг янгича турлари кўпаймоқда

Россияда фирибгарлар одамларни янгича услубда алдашмоқда: уларнинг айримлари кредит тарихлари бюроси ходими сифатида таништирар ва гўеки бегона одамнинг паспортига кредит олишга уриниш ҳолати кузатилганини қайд этишади. Бу ҳақида бирлашган кредит бюроси "РИА Новости" агентлигига маълум қилди.



"Мижоз кредит олиш учун ҳеч қандай ариза бермаганини маълум қилган тақдирда бюронинг сохта ходимлари унинг номига ҳозиргина кредит олишга уринилгани бўйича хабар беради", — дейди мутахассислар. Шундан сўнг фирибгарлар ҳамсуҳбатидан сўнгги вақтларда бирор хужжати йўқотган ёки йўқотмаганини суриштира бошлайди ва унинг шахсий маълумотлари қайси банкда мавжудлиги бўйича сўров ўтказилади.

**Тегишли маълумотларни тўплаб олган фирибгарлар мазкур ҳолат ҳақидаги маълумот қайд этилган банкка етказилишини таъкидлайди. Бироз муддатдан сўнг қурбонларга гўеки кредит муассасасининг хавфсизлик хизмати ходимидан кўнғироқ қилинади. У ҳам ноқонуний равишда кредит расмийлаштиришга бўлган уринишни тасдиқлайди.**

Шундан сўнг фирибгар суҳбатдошини тинчлантиришга интилади ва пул берилишини рад этиш имконияти борлигини маълум қилади. "Бунинг учун фақатгина "қарши ҳаракат"ни амалга оширишнинг ўзи етарли, яъни кредит

олиш учун онлайн аризани тўлдирши ва телефонига келиб тушадиган СМС хабар ва код рақамни айтиш талаб этилади, деб тушунтирилади", — дейди мутахассис. Кредит муваффақиятли расмийлаштирилгач фирибгарлар ўз "ўлжа"ларига олинган пулларни банкка қайтариш лозим деб ўзларига тегишли ҳисоб рақамга қайта йўналтиради.

Аввалроқ Давлат Думасининг ахборот сиёсати, ахборот технологиялари ва алоқалари қўмитаси расиси ўринбосари Андрей Свинцов ўз банк картасини фирибгарлардан қандай қилиб ҳимоя қилиш мумкинлигига тўхталиб ўтганди. У россияликларга камида 2 ёки 3 та банк картасини очиб олиш таклифини берганди: улардан бири иш ҳақи, иккинчиси эса аллақандай йирик харидни амалга оширишга сарфланадиган жамғарма маблағлари учун фойдаланиш тавсия этилганди. Учинчиси эса иложи борича интернет орқали буюртма қилинадиган катта бўлмаган маҳсулотлар тўлови учун ишлатилгани маъқул. Бу картага майда харажатлар учун мўлжалланган маблағлар жойлаштирилади. Мутахассис ушбу картада "яқин кунларда сарфланиши мўлжалланган майда харидлар"га керак бўладиган маблағлар йўналтирилиши бўйича маслаҳат берди.

Япония ҳукумати фуқароларга электромобиль харид қилишлари учун икки карра кўп пул беришни режалаштирмоқда, деб ёзади NHK World Japan нашри.



## Японияликларга электромобиллар хариди учун пул беришади

Бугунги кунда ҳукумат 400 минг иена ( тахминан 3,8 минг АҚШ доллари) миқдоридagi маблағни ажратмоқда. Бироқ келаси йилдаёқ улар бу тўловларни икки баробарга кўпайтироқчи (7,6 минг АҚШ доллари). Аккумуляторни қувванлантириш учун қайта тикланадиган энергия тури, масалан уй ёки идорада қуёш батареяси билан таъминланган мосламадан фойдаланиш керак бўлади.

Нашр фикрига кўра, бундай чора энергиянинг экологик тоза турини жорий этишни рағбатлантириш мақса-

дида ҳам амалга оширилмоқда. Ўтган йили мамлакатда 20 мингга яқин электромобиллар сотилганди.

Аввалроқ маълум бўлганидек, Франция ҳукумати мамлакат ҳудудида эскиртдан фойдаланилган электрли автомобиллар хариддорларига минг евро қўшиб беришни қайд этганди. Янги электрли автомобиллар учун ажратиладиган субсидия қиймати бугунги кунда етти минг еврога тенг. Мамлакатда бу йил 100 минг электрли автомобиллар сотилиши режалаштирилган.

## Дунё биржалари кутилмаган даражада ўсиши мумкин

Буюк Британиянинг Barclays банки 2021 йилда дунё биржаларидаги котировкалар портлатувчи даражада ўсиши тахмин қилмоқда. CNBC нашрига тақдим этилган ҳисоботда шу ҳақида сўз юритилган.



Ҳисобот муаллифлари фикрига кўра, келаси йилда дунёнинг аксарият мамлакатлари аҳолисини эмлашдан ўтказиши ва коронавирус пандемиясини тўхтата олади. Бунинг таъсирида кўплаб компаниялар фойдасини оширади ва ҳар бир акцияга тўғри келадиган фойда кўрсаткичи бўйича яхши натижаларни кўлга киритади.

Айнан мазкур мезон инвесторларни кўпроқ ўзига жалб этади, дейди Barclays таҳлилчилари. Умуман олганда EuroStoxx 600нинг 2021 йил якунига кўра индекси 13 фоизга ортиши кутилмоқда. Бироқ айрим компаниялар янада яхши натижаларни кўлга киритади. Улардан бири, масалан Буюк Британиянинг йирик нефть ишлаб чиқарувчиси BP бўлиб, унинг акциялари 63,7 фоизга қимматлашиши мумкин. Голландиянинг ABN AMRO банки акциялари 50,6 фоиз

ва Буюк Британиянинг BT Group телекоммуникацион холдинги акциялари 47,2 фоизга қимматлашади.

**Ўз навбатида жаҳон ЯИМ кўрсаткичи 2021 йил якунига бориб 5,4 фоиз кўпайиши мумкин. Бу эса 2010 йилдаги энг яхши натижадан ҳам яхшироқ натижа бўлиши мумкин. Европа компаниялари учун эса бу натижа ўрта ҳисобда 45 фоизлик ўсишни таъминлаши мумкин.**

Умумий муваффақиятга аҳолининг четга суриб турилган талаби, ҳукумат ва марказий банкларнинг қўллаб-қувватловчи чоралари ҳамда арзон кредитларга имкон берувчи бозорлардаги паст фоиз ставкалари ҳам таъсир кўрсатади.

Европа марказий банки (ЕМБ) молиявий барқарорликка оид аънанавий шарҳи давомида келаси йилга қадар евроҳудуд майдонидаги тижорат банклари учун оғир дамлар яқинлашиб қолганини башорат қилди. Бу ҳақида ЕМБнинг расмий сайтидаги ҳужжатда қайд этилган.

ЕМБ берган баҳога кўра, банк тармоғида ўтган йилдаги даражада фойда олинishi 2022 йилгача кузатилмаслиги мумкин. Бу эса Европа иқти-

## Европа банкларига оғир дамлар яқинлашмоқда



содиёти ҳолатига таъсир кўрсатади, сабаби бу ҳолат кредитлаштириш салоҳиятига салбий таъсир қилади.

2020 йил якунига кўра ўз капиталнинг рентабеллилик даражаси атиги 1,7 фоизга тенг бўлиши мумкин. Аввалги йилларда бу кўрсаткич 6 фоизни ташкил этган эди. Кейинроқ у яна қайта тикланиши кутилмоқда, 2021 йилда 3,1 фоиз ва 2020 йилда 5 фоизга етиши тахмин қилинапти.

Айни пайтда башорат бўйича сўнгги тўхтама келинмаган ва Европа мамла-

катлари ҳукуматлари янги чекловларни жорий этиши ҳисобига башорат қилинаётган кўрсаткичлар янада пасайиши мумкин.

Банк тармоғи қарз бозоридagi ставкалар оширилган тақдирда ўзига нисбатан ишончи ортиши мумкин, бироқ яқин келажақда бунинг иложи йўқ. Сабаби ЕМБ аксарият мамлакатлар тартибга солувчилари сингари арзон кредитлар орқали иқтисодиётни рағбатлантириш мақсадида юмшоқ пул-кредит сиёсатини қўллаб келмоқда.

## PUMA каби кучли бўл

Германиянинг спорт кийимлари бренди  
икки ака-уканинг рақобатидан кейин юзага келган

Германиянинг ўзига мос бизнес етакчилари рўйхатида илғор ўринларда турадиган Puma спорт кийимлари бренди икки ака-уканинг рақобати туфайли пайдо бўлган. Рудольф Дасслер, компания асосчиси 1898 йилда дунёга келган бўлиб, пойафзал устаси ва катта бўлмаган кирхона бошқарувчисининг тўнғич фарзанди эди. Ундан сўнг укаси Адольф туғилган. Рудольф болалигида онасига ёрдам берарди: ювилган кийим-кечакларни буюртмачиларга элтиб берарди. Вояга етгач, оёқ кийим ишлаб чиқаришнинг фабрикада ишлаб чиқариш сифатида меҳнат қилган Рудольф Фридрих Штрайсер исмли қизга уйланди. 31 ёшга тўлганда бу жуфтликда Армин, 10 йилдан кейин эса Герд исмли иккинчи фарзанди дунё юзидан кўрди.

**Биринчи жаҳон урушидан сўнг Германия ҳукумати кичик ва ўрта бизнес ривожига эътиборни кучайтирди, бироқ инқироз олмон компанияларига ташқи алоқаларни яхшилашга ҳалал берди ва улар ички бозор билан кифояланишига тўғри келди. Рудольф ва Адольф Дасслерлар кўпчиликдан четда қолмасликка қарор қилишди ва 1924 йилда биргалликда Gebrüder Dassler Schuhfabrik ("Ака-ука Дасслерлар пойафзал фабрикаси")га асос солишди. Бироқ ўз вазифаларини тақсимлаб олишди: Адольф пойафзал ишлаб чиқарса, Рудольф уларни сотишга киришганди.**

Айтганча, аввалига Дасслерлар фабрикаси футболчиларнинг оёқ кийимларини ишлаб чиқаришга ихтисослашганди ва улар ўша пайтда бу борада ишлайдиган фабрикалардан ягонаси эди. 1925 йилда Адольф металл тиканакли пойафзал ишлаб чиқарди. Шундан сўнг футбол тарихида янги босқич бошланди ва 1928 йилда Амстердам шаҳрида ўтказилган Олимпия ўйинларида аксарият олмон спортчилари Дасслерлар ишлаб чиқарган оёқ кийимда тўп суришди. Бу эса Дасслерлар бизнеси ривожланишига хизмат қилди ва



Биринчи жаҳон урушига бир йил қолганда компания 200 минг жуфт пойафзал сотишга эришди. Бироқ компаниядаги ички вазиятни яхши деб бўлмади, Адольф ва Рудольфнинг муносабати ёмонлашди. Ҳозиргача улар орасида нима бўлгани маълум эмас, айрим маълумотларга кўра, улар орасидаги совуқ муносабатга сиёсат бўйича қарашлар сабаб бўлган бўлиши мумкин. Адольф мамлакатдаги аянчли ҳолатга миллатчилар сабабчи деб ҳисобласа, Рудольф эса барча масъулиятни аксилгитлер уюшманинг ҳарбийларига юкларди.

Бир куни Рудольфни миллий-социалистик партия билан яқиндан алоқа қилишда гумон қилиб, ҳарбий полицияга сўроқ ўтказишга чақиришади. Сўнг Рудольф бу ҳақида укаси полицияга маълумот берган, деб ўйлайди. Ҳар қанча уринмасин, Адольф акаси кўз унгида ўзини оқлай олмайди. Нима бўлганда ҳам ўрталаридаги зиддият шунчалик жиддий тус олдики, оқибатда ака-укалар бизнесни бўлиб олишга қарор қилишди. Ўша вақтда оилавий пойафзал завод икки алоҳида активга айлантирилди. Рудольф ўз фабрикасини RuDa (Руди Дасслер), кейинроқ Puma деб номлади. Адольф фабрикаси эса Adidas номини олди. Шундан сўнг икки компания ўртасида кескин рақобат кучайди. Рудольфнинг фикрича, унинг пойафзалини кийган спортчилар ёввойи мушукка ўхашаши керак эди: тез, чидамли, кучли. Puma нинг логотипи 1948 йилда шаклланди. Унда пума ҳайвони D ҳарфи устидан сақраб кетадиган тасвир туширилган. Ҳозирги савдо белги эса орадан 10 йил ўтганидан кейин Рудольфнинг ўғли Герд Дасслер карикатурачи Лутц Бекес билан дўстлашган, пайдо бўлган. Айнаунга Pumaning янги логотипини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

Бекесга бренд логотипи туширилган оёқ кийимнинг ҳар

бир сотилганидан бир центдан ажратиб бериш таклифини беришганди. Бироқ у компаниядан 600 марка пул, бир жуфт оёқ кийим ва сумка олган, холос. Лутц компания берган таклифга рози бўлганида миллионлионерга айланган бўларди.

**Puma бренди остидан ишлаб чиқарилган пойафзалларнинг илк мажмуаси Atom номли футбол бутсилари эди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин ўтказилган биринчи ўйинда миллий футбол жамоасининг кўпчилик ўйинчилари ушбу бутсиларни танлашни маъқул деб топишганди. 1960 йилда Puma каучукни резинага айлантириш орқали шакллантирилган спорт оёқ кийими ишлаб чиқарган биринчи фабрикага айланди. 10 йилдан сўнг компания Пеле билан тарихий келишув тузишга эришди. Рудольфнинг ўғли Армин Дасслер ва амакиваччаси, Адольфнинг ўғли Хорст Дасслер 1970 йилдаги футбол бўйича чемпионат давомидан Пеле Adidas учун ҳам, Puma учун ҳам зонадан ташқарида бўлиши бўйича келишув олади. Бироқ таниқли ўйинчи Puma оёқ кийимини кийгани учун 120 минг АҚШ долларини қўлга киритади. Ўйин давомида реферидан пойафзалидаги ипни боғлаб олиш учун озроқ вақт беришни сўрайди ва ипни боғлаётганида телекамера эътибори Puma логотипи туширилган оёқ кийимга қаратилади.**

Рудольф Дасслер 1974 йилда бу ҳаётни тарк этади. Унинг фарзандлари бизнесни давом эттирсада, кутилганидек натижага эриша олишмайди. 1980 йиллар охирида Puma савдоси сезиларли даражада тушиб кетди. Сабаби харидорлар Рудольфдан кейинги маҳсулотларда ўзига хослик йўқолган, деган фикрда эди ва бу ҳолат машҳур брендни деярли банкротликка олиб келди.

**Аввалги машҳурликка қайтишда компаниянинг янги бош директори Йохан Зайц таниқли дизайнерларни ҳамкорликка чақириши сабаб бўлди. Компания маҳсулот турини кенгайтирди ва бир вақтнинг ўзида янгича технологоялардан фойдалана бошлади. Масалан, Tripotic технологияси асосида ишлаб чиқарилган пойафзаллар юзурши вақтида оёққа тушадиган босимни пасайтириб бериши билан ажралаб туради. Pitarid компанияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган маҳсулотда чармнинг енгил вазили ва сув шиммайдиган тури ишлатила бошланди. Айнаун шундан чармдан Puma King русумли бутсилар ишлаб чиқарилади.**

Авлдлар алмашинуви Puma ва Adidas учун оғир синовларни келтириб чиқарди. Савдолар ҳажми тушиб кетди. Оталаридан кейин компанияни бошқарган Армин ва Герд Дасслерлар бозордаги ўрнини йўқотаёзди. Улардан америкаликлар, аввало Nike ўзиб кетди. Кичик Дасслерлар оилавий компания мақомидан воз кечишига тўғри келди. 1986 йилда Франкфурт фонд биржасида Pumaning бирламчи акциялари жойлаштирилди, уч йилдан сўнг улар ўзларига тегишли акцияларнинг 72 фоизини Швейцариянинг Cosa Lievermann компаниясига сотди. 1991 йилда компанияга янги раҳбар келди. 47 яшар Йохан Зайцга брендининг йўқотилган ўрни-

ни қайта тиклаш вазифаси юклатилганди. У собит қадмлар билан ҳаракатланди. Аввало бизнес юритишнинг консерватив услубини йўқотишга уринди. Зайц янгича стратегия ишлаб чиқди. "Sportlifestyle" яшаш услуби, яъни улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар нафақат спортчилар, балки соғлом турмуш тарзини ёқлайдиган ҳар бир инсон учун фойдали бўлишини илгари сурди. Бундай ёндашув миқозлар қамрови кенгайишига сабаб бўлди. Puma болалар, ёшлар, ўрта ёшли ва кекса одамлар учун маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Ҳамкорликка таниқли дизайнерларни чақиришди. 2000 йилда Puma автомобиль эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқарувчи компаниялардан Sparco ва Porsche билан биргалликда "Формула-1" ва бошқа турдаги мусобақа иштирокчилари учун оёқ кийим ишлаб чиқариш ҳақида келишиб олди. 2001 йилда Jordan Grand Prix компанияси билан шартнома имзоланган эришди. 2004 йилда эса Ferrari учун кийим ва пойафзал етказиб беришни зиммасига олди. Масалан, Михаэль Шумахер Гран при йўлларида Puma либосларида мусобақада иштирок этарди.

**2009 йилда Adidas ва Puma компаниялари ходимлари ўртасида ўтказилган дўстлик футбол ўйинида олтмиш йиллик кескин рақобатдан сўнг ярашув битими тузилади ва бу ҳолат компания обрўсига таъсир кўрсатади. 2012 йилда бренд Германиянинг "Боруссия" футбол клубига маҳсул либосларини ишлаб чиқариш учун саккиз йиллик келишувга имзо чекади. Кейинроқ Puma тарихидаги йирик битим доирасида Буюк Британиядаги "Арсенал" жамоасига маҳсул кийим ишлаб чиқариш масъулиятини қўлга киритади.**

Компаниянинг молиявий ҳисоботида кўра, 2018 йил якунида Pumaning соф фойдаси 17,7 миллион АҚШ долларига тенг бўлган.

## Энди газета ўқимаймизми?..

Жуда мураккаб кечайтган кабиса йилмиз барча соҳалар каби оммавий ахборот воситалари, айниқса газеталар тахририятлари муаммоларини кескинлаштириб юборди.

Коронавирус пандемияси сабабли жорий этилган транспорт ҳаракати чекловлари, шунингдек газета ва журналлар савдосига ихтисослашган киоскларнинг узоқ муддат ёпилиши чоп этилган нашрларни обуначиларга ва ўқувчиларга ўз вақтида етказиб берилишига тўсиқ бўлди.

Ана шу кутилмаган фавқулудда ҳолат вазиятсиз ҳам йилдан-йилга ададлари камайиб бораётган газеталар тахририятларининг молиявий аҳоли янада абгорлашди. Чунки уларнинг чакана савдо тушумларидан ташқари рекламадан олаётган даромадлари ҳам ниҳоятда камайиб кетди. Чунки реклама берувчилар ҳам ўта мураккаб молиявий инқирозни бошидан кечириётганлари янши маълум.

Оқибатда қатор, ҳатто партияларнинг, вилоят ва шаҳар ҳокимликларининг газеталари ҳам чиқмай қолди. Тўғри, уларнинг аксарияти ўз нашрларини электрон тарзда тақдим этишни давом эттирмоқдалар. Аммо минглаб ўқувчилар қўлларига газета олмасликларига одатланиб ҳам қолдилар.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълумотларига кўра, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисини интернет билан қамраб олиш 97 фоизи ташкил этгани, уларнинг 78 фоизи кенг зонали мобил интернетдан фойдаланиш имкониятига эгаллигига қарамаздан, газеталарнинг электрон шаклининг ўқувчилари кўп сонли эмас. Яъни журналистларнинг машаққатли ижодий меҳнатлари маҳсули унинг истеъмолчиларига кутилган даражада етиб бормаяпти.

Умуман, интернетнинг ҳар бир хонадонга кириб бораётганлиги туфайли кундалик босма нашрларнинг узил-кесил инқирозга юз тутиши муқаррарлиги тўғрисидаги башоратлар мана ўн йилдан кўпроқ вақтдан бери қизгин мунозаралар мавзусига айланган. Айниқса, COVID-19 пандемияси бу муаммо юзасидан долзарб амалий аҳамият касб этди.

Очиқ маълумотлардан мамлакатимизда 2020 йил бошида чиқиб турган газеталарнинг нечаси қоғоз шаклида нашр этилиши тўхтатилганлигига ойдинлик киритиш имконияти топилмади. Аммо бу фақат Ўзбекистонга эмас, балки бунун дунё учун хос хусусият эканлиги аён.

Масалан, Россияда кейинги ўн йилда (2009-2019) даврий босма нашрларининг сони 40 фоизга камайган — 72 498 тадан 47 883 тага тушиб қолган. Бу нашрлар тахририятларининг даромадлари йилга 8-10 фоизга пасайиб бормоқда. Шунингдек, Умумжаҳон газета ва ахборот-ноширлик ассоциацияси (WAN-IFRA) маълумотларига кўра, кейинги беш йил давомида АҚШда газеталарнинг адади — 34, Франция ва Буюк Британияда — 31, Германияда — 24 фоизга камайган. Туркияда кейинги ўн йил давомида тахририятлар ўз ўқувчиларининг тахминан ярмини йўқотди: мамлакатдаги газеталарнинг умумий адади 2,24 миллиард нусхадан 1,18 миллиард нусхага тушиб қолди.

Қозғоғистон Журналистика акаде-



миясининг академиги Асилбек Бисенбоевнинг фикрича, 2020 йил охиригача мамлакатдаги босма ОАВларнинг 40 фоизи ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлади. Фақат давлат ҳамда олигархлар гуруҳлари томонидан молиялаштирилаётган газеталаргина сақланиб қолади.

Коронавирус — ҳафталик “муқобил” (яъни бепул) газеталар учун энг қудратли курол бўлди, — деб ҳисоблашмоқда Гарвард университети хузуридаги Журналистикани ривожлантириш бўйича Ниман жамғармаси тадқиқотчилари. — Бундай газеталар АҚШ ва Канаданинг деярли ҳар бир йирик шаҳрида чиқиб турган эди. Улар фақат реклама ҳисобига кун кўрарди ва асосан маҳаллий янгиликлар, маданий ҳаёт ҳақида ёзишарди, журналистлар суриштирувларини олиб боришарди. Уларнинг муаллифлари кўп марта журналистика соҳасида АҚШнинг нуфузли Пулитцер мукофотига ҳам сазовор бўлганлар. Аммо пандемиядан кейин улар ўз фаолиятларини тиклай олишлари амри маҳол, чунки йирик ҳомийлари ҳам, қора кунга мўлжаллаб сақлаб қўйган сармоялари ҳам йўқ.

**Бозор иқтисодиёти — бешафқат. Бу бозорда, шу жумладан оммавий ахборот воситалари бозорига ҳам кучлилар (молиявий жиҳатдан, долзарблик, инновациялар, тезкорлик асосида) устун чиқади. Ана шу мезонлар нуқтаи назаридан ёндашиладиган бўлиб, миллий даврий босма нашрларимиз ўз фаолиятларини давр талабига ҳамоҳанг тарзда тубдан ўзгартиришда, фикримизча, сусткашлик қилаётганлари яққол сезилиб қолди.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ана шу муаммоларни шу йил матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида ҳам кўрсатиб берди: “Албатта, бугун биз ҳамма соҳада, жумладан, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасида ҳам изланишдамыз. Бинобарин, бу йўлда ютуқлар билан бирга, камчилик ва нуқсонлар бўлиши ҳам табиийдир.

Бу ҳақда гапирганда, миллий медиа майдонимизда замоннинг ўткир талаб ва мезонлари, энг муҳим тенденцияларини очиб бериш, танқидий таҳлил, одамлар кутаётган мавзу ва муаммоларни дадиллик билан ўртага ташлаш ҳали ҳам етакчи ўрин эгалламаётганини айтишга тўғри келади. Афсуски,

аксарият ахборот воситаларида ижтимоий салмоғи энгил бўлган, ҳисобот ва баланс парвозлик руҳидаги материаллар ҳануз устуллик қилмоқда”.

Даврий босма нашрлар янгиликлар, ҳодиса ва воқеаларни ўша заҳотиёқ, тўғрида-тўғри ўз ўқувчисига етказиб берадиган Интернет билан тезкорликда беллаша олмаслиги аниқ. Аммо ҳанузгача газеталаримиз саҳифаларида кўпинча ҳаммага аллақачон маълум бўлган ахборотларга дуч келаверасиз. Бундай материалларни газетaxonга тақдим этавериш билан улар ишончини қозониш қийин. Шу сабабли айрим ўқувчилар газетани ўқиб чиқишим учун сарлавҳаларни кўздан кечиришим кифоя қилади дейишлари бежиз эмас.

Шундай экан, мамлакатимизда даврий босма нашрларнинг ҳозирги мураккаб муаммоларини қандай ҳал этиш, газеталарнинг эртанги кундаги тақдирини хусусида нима дейиш мумкин. Агар яна хориж тажрибасига мурожаат қилинадиган бўлса, бевосита корона-вирус пандемияси вазиятида даврий босма нашрларни қўллаб-қувватлаш бўйича эътиборга сазовор мисолларни келтириш мумкин.

Канада маъмурлари давлат бюджетига оммавий ахборот воситаларида реклама учун кўзда тутилган 40 миллион долларнинг 30 миллионини миллий газеталарда қўшимча рекламалар эълон қилиш учун сарфлади.

Италия ва Испания ҳукумати корона-вирус пандемияси сабабли қатъий карантин эълон қилинган даврда ҳам газета ва журналлар савдосини аҳоли учун биринчи даражали эҳтиёж деб ҳисоблаб, улар киоскларини ёпиб қўйишмади.

Ўзбекистонда ҳам даврий босма нашрлар ўз ўқувчиларига вақтида етиб бориши учун зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда. Бу ҳақда “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамиятининг бош директори Алишер Файзуллаев қуйидагиларни маълум қилган:

— Газета етказиш — бу маърифат, маънавият етказиб бериш демак. Ўн кундан кейин, бир ойдан кейин қўлга етиб борган газета ҳеч кимга керак эмас. Вақтида етказиб бериш керак, бу долзарб масала. Бу соҳада ҳам ўзгаришлар бўлиши режалаштирилган, марказлаштирилган тизим бўлади.

Почта, шунингдек, матбаа нашрлари учун ҳудуд — Термиз, Урганч ва Нукусга самолётда етказилади. Қолган вилоятларга машинада етказилади, кечаси чиқиб кетади, эрталаб боради. Яқин-яқингача келган почта кейин туман марказига пешингача етиб боради. Туман марказидан алоқа бўлимига олиб бориб, эгасининг қўлига етказилгунча эртаси куни бўлиб кетиши мумкин эди.

Энди биз босма даврий нашрларни туман марказидан тўғридан-тўғри етказиб беришни режалаштирганмиз. Матбуот нашрларини етказиб беришни тезлаштириш мақсадида уларни обуначининг манзилига марказлашган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш бўйича электроскутерлар ва велосипедлардан фойдаланиш мўлжалланган. Ушбу тажриба айни пайтда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида синовдан ўтказилмоқда. 2021 йилдан бошлаб газета ва журналлар бутун мамлакат бўйлаб шундай тартибда етказилади.

Шаҳар жойларида автоматик почтомат қурилмаларини жорий этиш ҳам кўзда тутилган. Олдин, жумладан тўққиз қаватли уйга кираверишда почта қутиси бўларди, газета шунинг ичига солиб кетиларди. Ҳозир улар йўқ. Почта хизматчилари тўққизинчи қаватга чиқади, эшигингизни тақиллабди, ҳеч ким очмагандан кейин қайтиб кетади ёки эшигингиз тагига қўйиб кетса, биров кўтариб кетиши мумкин бўларди.

Энди эса ўша жойларда почтомат қурилмалари ўрнатиш режалаштирилган. У аввалги почта қутисидан фарқ қилади. Қурилма катта курьерлик жўнатмалари учун ҳам мослаштирилган. Почтоматни фақат махсус пароллар билан очиб олиш мумкин бўлади.

**“Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти бу йил веб-сайтида онлайн обуна бўлиш имкониятини ҳам яратган. Обунага тўловни “Рауте” тўлов тизими орқали масофадан туриб амалга ошириш мумкин.**

Даврий босма нашрлари ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланаётган бугунги кунда ОАВ бозорига рақобатбардош бўлишлари учун, афтидан, ўз шаклларини ўзгартиришлари талаб қилинмоқда. Пандемия ҳолатига қарамаздан, масалан, “Даракчи” ҳафталиги ва унинг иловалари ўз фаолиятларини муваффақиятли давом эттирмоқдалар.

Газеталар янгиликлар, хабарлар ва воқеаларни ўз ўқувчиларига етказиб беришда интернет билан рақобатбардош бўла олмас экан, нашр этиш шаклини ҳафталикка ўтказиш, эҳтимол тўғрироқ бўлар. Бу ҳолда журналистлар газетaxonларга эскириб бўлган кечаги кунги воқеа-ҳодисаларни эмас, балки обуначиларини қизиқтира оладиган долзарб, қизиқarli, таҳлилий, публицистик материалларни тақдим этиш имкониятига эга бўлишлари мумкин.

Умуман, даврий босма нашрлари муайян соҳага ихтисослаштириш мақсада мувофиқ бўларди, деган фикрдамыз. Жумладан, мамлакатимизда халқро мавзулар чуқур ва кенг ёритиб бориладиган нашрга эҳтиёж бор, деб ўйлаймиз. Ёки миллионлаб автомобиль эгалари бор юртимизда бевосита уларни қизиқтира оладиган махсус автоваскорлар ҳафталик газетасининг истиқболли йўқ, деб ўйлайсизми? Ҳудди шунингдек томоғра хўжаликлари учун ҳафтанома нашр этилсачи? Бу рўйхатни анча давом эттириш мумкин.

Яъни айтмоқчимизки, газеталардан яқин-орада воз кеча олмаймиз. Ҳамма гап журналистларимизнинг бугунги кун воқелигига ҳамнафас бўлишида қолган.

**Эркин ЭРНАЗАРОВА,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист  
ЎЗА

## “Ўзмилийбанк” АЖ - Дунёнинг энг хавфсиз банклари қаторида

“Ўзмилийбанк”ни халқаро андозаларга мувофиқ иш юритадиган замонавий тижорат банкига айлантириш мақсадида, бугунги кунда халқаро консалтинг ташкилотларини жалб қилган ҳолда банкни трансформация қилиш жараёнлари амалга оширилмоқда. Жумладан, бугунги кунда “Ўзмилийбанк”да рақамли трансформацияни амалга оширишга, банк фаолиятига инновацияларни жорий қилишга ва бу орқали мижозлар учун янги рақамли банк хизмат турларини тақлиф қилишга муҳим эътибор қаратилмоқда.



Банк томонидан амалга оширилаётган мазкур ислохотлар дунёнинг етакчи рейтинг компаниялари томонидан ҳам эътироф

этилмоқда. Бугунги кунда “Ўзмилийбанк” Standard & Poor's, Moody's, Fitch ratings каби дунёнинг етакчи агентликларининг рейтингларига

эга бўлиб, улар томонидан банк фаолияти Барқарор дея баҳоланган.

**“Ўзмилийбанк” халқаро молия институтларининг маблагларини жалб этиш ва иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, устувор ва стратегик аҳамиятга эга инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш бўйича республиканинг етакчи банки ҳисобланади.**

Жорий йилнинг 15 октябры кун “Ўзмилийбанк” томонидан Лондон фонд биржасида 300 миллион АҚШ долларлик еврооблигациялар муомалага чиқарилди. АҚШ долларидида еврооблигацияларнинг дастлабки эмиссияси амалга оширилиши ривожланаётган давлатлар банкларига сармоя киритишни хохлаётган кенг қамровли халқаро инвесторларни мамлакатга жалб

қилди. Ўзмилийбанкнинг халқаро капитал бозоридаги фаолиятининг бошланиши банкка нафақат маҳаллий, балки халқаро молия бозорида шиддат билан юқорига интилаётган молиявий институт сифатида кўшимча имидж яратиш имконини берди.

Яқинда дунёнинг 158 мамлакатидида нашр этиладиган АҚШнинг нуфузли “Global Finance” молия журнали дунё мамлакатлари бўйича “Дунёнинг энг хавфсиз банклари - 2020” (World's Safest Banks 2020: Country Winners) рейтингини эълон қилди.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки АЖ “Марказий ва шарқий Европа ҳамда собиқ совет давлатларининг энг хавфсиз банклари” дан бири сифатида эътироф этилди. Мазкур эътирофга, банк томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида эришилган десак, муболага бўлмайди.

Банк ахборот хизмати

## ОБУНА - 2021

**ОБУНА ТУГАШИГА  
27 КУН ҚОЛДИ**

### ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР,

“Банк ахборотномаси” – “Банковские вести” газеталари келгуси йилдан бошлаб, ягона бирлашган нашр сифатида чоп этилади. Бу барча ўқувчилар учун ҳам моддий, ҳам маънан манфаатли бўлади. Сиз газетга обуна бўлиш истасангиз, “Ўзбекистон почтаси” ва “Матбуот тарқатувчи” ташкилотининг ҳудудий бўлимлари орқали расмийлаштириш ёки фақат тахририят билан шартнома тузган куйидаги ташкилотлар билан обунани ташкил этишингиз мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти  
АЖ “Ўзбекистон почтаси” ҳудудий филиалларида  
АЖ “Матбуот тарқатувчи” ҳудудий филиалларида

Бухоро вилояти  
“INFORM POSHTA” МЧЖ – 71-237-08-70  
Жиззах вилояти  
“MATBUOT TONGI” МЧЖ – (91-599-58-98)  
Навоий вилояти  
“INFORM POSHTA” МЧЖ – 71-237-08-70  
Қашқадарё вилояти  
“INFORM POSHTA” МЧЖ – 71-237-08-70  
Сирдарё вилояти  
“Сирдарё матбуот хизмати” – (97-277-27-72)  
Сурхондарё вилояти  
“SURXON MATBUOT NASHRLARI” МЧЖ – (91-586-70-00)

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти  
“KALEON INFORM” МЧЖ – (71-267-18-94)  
“Тошкент матбуот медиа” – (97-156-22-77)  
“INFORM POSHTA” МЧЖ – 71-237-08-70  
Самарқанд вилояти  
“INFORM POSHTA” МЧЖ – 71-237-08-70  
“Тошкент жаҳон зив” – (97-922-02-33)

Фарғона вилояти, Наманган вилояти, Андижон вилояти  
“INFORM POSHTA” МЧЖ – 71-237-08-70  
“Сайёр – 2017” МЧЖ – (99-990-61-01)

**ОБУНА ИНДЕКСИ-102**

Тел.: (998) 99 837 11 04 71 234 43 18 Факс: (998) 71-234-43-18.



## БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ - ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА  
АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ  
Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академияси

**БОШ МУҲАРРИР**  
Бобур МУҲАММАДИЕВ

**НАШР УЧУН МАСЪУЛ**  
Шукур ЖАББОР

**ОБУНА ВА РЕКЛАМА**  
**БЎЛИМИ РАҲБАРИ**  
Ўқтам АБДУЛЛАЕВ  
Тел: +998 90 0264090  
71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18  
Нашр индекси-102.

МУАССИС:  
“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

**Ахборот кўмаги**  
Ўза, “Norma Hamkor” МЧЖ  
www.finance.uz

**Тахририят манзили:**  
100060. Тошкент ш., Юнусобод т.  
Осиё кўчаси 1а  
e-mail: bankahborotnomasi@mail.ru,  
Чоп этишга тайёрловчи:  
“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ  
Газета тахририятнинг техник  
ускуналарида саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан “Банк ахборотномаси”да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмайди. Кўлёмалар тақрир қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба кунини чиқарди.  
Буюртма № г 0638 А-1320  
Нархи шартнома асосида:  
Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табоқда чоп этилди. Босишга рухсат этилди: 01.12.2020 й.,  
1 2 3 4 5 6